

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Оилавий тадбиркорлик

ҚАНДОЛАТЧИ АКА-СИНГИЛЛАР

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик изчил ривожланиб, янгидан-янги иш ўринлари очилиши ва аҳоли бандлигини таъминлашга, ички бозор маҳаллий маҳсулотлар билан тўлишига замин яратмоқда.

Шундай тадбиркорлардан бири Бекобод шаҳрилик Азиза Уриновадир. Унинг акиси Авазжон Қўзиёев ва синглиси Муножат Хотамкулова билан бирга 2010 йили очган қандолатчилик корхонасида бугун 12 коллеж битирувчиси мўҳим иш билан банд.

— Ички бозорда қандолат маҳсулотларига талаб юқорилиги боис ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим, — дейди Азиза Уринова. — Қўл остида ишлайдиган қизларнинг бари коллеж-



нинг қандолатчилик йўналишини, "Машхура", "Элегант" ўқув марказларини битиришган.

Бошида 3 хил маҳсулот билан иш бошлаган тадбиркор талаб ортигани туфайли 10 турда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Қўнига 100 кўти тайёр маҳсулот дўкон, бозор, мактаб ва боғчаларга жўнатилади. Бундан ташқари, корхона

нинг ўзида ҳам маҳсулот сотиб олиш мумкин.

Бу йил банкдан 50 миллион сўм кредит олиб, ишни янада кенгайтиришди. Шу билан бирга, тиниб-тинчиманган тадбиркор тикув цехи ва шахсий дўконини ҳам очмоқчи. Унинг уйла-ганлари амалга ошса, яна 30 га яқин янги иш ўрни яратилади.

Оилавий тадбиркорликни яхши йўлга қўйган ака-сингиллар янада узокни қўлашмаяпти. Муножат Хотамкулова кизи Мухлисани қандолатчилик йўналишига ўқишга киритди. Мақсади — ишни давомчиларга қолдириш.

Нозима АРСЛОНОВА.
Комила ИКРОМОВА
олган суратлар.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

МАЗМУН-МОҲИЯТИ ЎЧМАС КАСБ

Ота-она фарзанди мактаб ёшига етгунча, моддий таъминот ва ҳуқуқ одобига эътибор қаратса, муаллим қўлига алифбони тутқазиб, ҳарфларни танитади, ёзишни ўргатади, маънавият бағишлайди.

Дарҳақиқат, ўқитувчининг устоз дея улуғла-ниши бежиз эмас. Баҳодир Солихов бор билим ва тажрибасини истиқлол фарзандлари — ёш авлод тарбиясига бағишлайдиган фидойи ўқитувчилардан бири.

У Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика олийгоҳини "Тасвирий санъат ва чизмачилик" йўналиши бўйича тугатгач, икки йил ўзи ўқиб, билим олган Юкори Чирчиқ тумани, Кавардон қишлоғидаги 3-умумий ўрта таълим мактабига келиб, ёш авлодга тасвирий санъат ва чизмачилик фанидан дарс бера бошлади. Ўз касбининг ҳақиқий фидойилари бўлган марҳум устозлари Мунира Абдурахмонова, Рўздат Зиёев, Омонуллохон Қурбонов, Ҳаким Обидовнинг тажрибаларини кунт билан ўрганди. Бугунги кунда мактабда 680 ўқувчи 42 ўқитувчи ва техник ходим билим бермоқда. Алоҳида компьютер ва маънавият хоналари мавжуд. Мусика, рақс, гимнастика, футбол, волейбол, шахмат-шашка тўғрисидаги ўқувчилар билан гавжум. Қўллаб-қувватлаш фан олимпиадалари ҳамда нуфузли спорт мусобақаларида юқори лавозимларни эгаллашмоқда.

— Ёш авлодга таълим-

тарбия бераётганимга чорақ асрдан ошди, — дейди Баҳодир Солихов. — Яқиндагина ўзим шо-гирд эдим. Энди қўллаб-қувватлаш устозиман. Шогирдларимдан Лазизжон Миржамолов Паркент туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабига ишламоқда. Шерзод Мирхоев, Жамшид Назиров тасвирий санъат ва рассомчилик соҳасини танлашди.

Баҳодир Солихов бугунги кунда ўқувчиларга малакали билим бериш билан бирга, мактабдаги маънавият ва маърифат тадбирлари ва бошқа қўллаб-қувватлаш ишлари билан ҳам шуғулланишмоқда. Унинг наздида дунёдаги минглаб касблар орасида иккита энг буюғи — шифокорлик ва ўқитувчиликдир. Токи ҳаёт бор экан, бу икки касб мазмун ва моҳиятини ҳеч қачон йўқотмайди. Чунки, ўқитувчи деган улуг ва шарафли ном қўллаб-қувватлаш тим-солида устоз дея улуғланаверади.

Латифжон МАНСУРОВ.

Қадриятларимиз

ШОДУ ХУРРАМ НИШОНЛАНДИ

Вилоят шаҳар ва туманларидаги жоме масжидлари, қишлоқ ва маҳалла гузарлари, сайилгоҳ, маданият ва истироҳат боғларида мусулмонларнинг муборак байрами — Қурбон ҳайитини юксак

савияда, хуш кайфият ва кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида жойлардаги барча чора-тадбирлар белгиланган тартиб-қоида асосида уюшқоқлик билан ташкил этилди.

Вилоятда фаолият юритаётган жамғарма ва жоме ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳудудлардаги жоме масжидлари хонақо-лари, ҳовли ва ён-атрофлари, муқаддас қадимжолар, қабристонлар ободонлаштирилди. Айниқса, Қурбон ҳайити намози ўқилаётган жоме масжидларида ибодат қилувчилар учун олдиндан қўлай шароитлар яратилди.

Ижтимоий сўров

ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАР АҲАМИЯТИ ОРТМОҚДА

"Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш мақсадида фуқароларнинг ҳаётини қадриятлар билан боғлашга бағишланган ижтимоий сўров ўтказди.

Жамиятимизда қарор топган қадриятларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш бугун дунёда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеаларни теран аниқлаш учун муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Шу боис "Ижтимоий фикр" маркази мамлакатимиз фуқароларининг маънавий-ахлоқий фазилатлари ва қадриятларига муносабатини мониторинг режимини ўрганиш мақсадида бу қадриятларимизни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, ҳамюртларимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ҳуқу-

қий маданияти ва онгини аниқлаш имконини бераётди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилган бу галги сўровда ижтимоий гуруҳлар вакиллари, турли миллат ва динга мансуб ки-шилар, шаҳар ва қи-шлоқ аҳолиси иштирок этди.

Тадқиқот натижалари маънавий-ахлоқий қадриятлар ва инсонпарварлик гунаҳлари, жумладан, ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат, унинг тарихий ва маънавий меросидан фахрланиш туйғуси Ўзбекистон фуқаролари учун муҳим

ўрин тутишини, яшаш жойи, жинси, ёши, миллати, маълумоти ва моддий аҳволдан қатъи назар, уларнинг аксарияти учун муҳим ҳисобланганини кўрсатди.

Фуқароларнинг кўпчилиги ҳаётда ўзининг муайян мақсадида эга бўлиб, уларга эришишга интилоқда. Сўровда қатнашганларнинг аксарияти учун оила қуриш, билим олиш, фарзанд тарбияси, фаровонлик ва барқарорлик устувор йўналишлар ҳисобланади. Масалан, олий маълумотга эга бўлиш, ўзи учун керакли қасбини танлаш, ўз салоҳиятини юзага чиқаришга интилоқ, Ватанга хизмат қилиш ёшларнинг ҳаётдаги энг муҳим мақсадларидир.

Сўровда иштирок этганларнинг 86,5 фоизи асосий мақсадида эришишга ишонади ва мамлакатимизда бунинг учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратилган, деб ҳисоблайди.

Мониторинг натижаларига кўра, Ўзбекистонда меҳнат энг муҳим ҳаётини мезонлардан биридир. Мамлакатимиз аҳолиси учун меҳнат фаолияти жамиятга хизмат қилиш, мамлакат ва унинг фуқароларига фойда келтириш имкониятидир. Сўнгги йилларда ўз ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга интилоқдан фуқаролар кўпаймоқда, улар учун қизиқarli иш билан шуғулланиш касб танлашда муҳим омил

ҳисобланади. Бу кўпроқ ёшлар орасида намоён бўлмоқда. Фуқароларнинг ўз билими ва касб малакасини оширишга интилоқ аҳолининг ҳаётини мақсадлари тизимида муҳим ўрин тутди. Истиқлол йилларида ушбу тенденция янада кучаймоқда.

Ижтимоий сўров давомида ижтимоий-сиёсий қадриятлар муҳим аҳамиятга эга экани аён бўлди. Масалан, мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда уларга риоя этишни қадриятларидан барча шароит яратилгани аксарият фуқаролар учун алоҳида аҳамиятга эга. Тадқиқот натижаларига кўра, сўров қатнашчилари

нинг 92,9 фоизи ўзини тўлиқ ҳуқуқий ҳимояланган, деб билади. Мухтасар айтганда, мазкур ижтимоий тадқиқот Ўзбекистон аҳолиси демократик қадрият ва олий мақсадларини тўлиқ қўллаб-қувватлашдан далолат беради. Уларнинг аксарияти Президентимизнинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида олиб бораётган сиёсатини қўллаб-қувватлайди. Уларнинг фикрича, мамлакатимиз келажаги ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган вазифаларни ҳал этиш учун ҳар биримиз масъулмиз.

"Ижтимоий фикр" маркази материаллари асосида ЎЗА муҳбири М. МАМЕТОВА тайёрлади.

Эътироф

Мамлакатимизнинг Вашингтондаги элчихонасида Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Тадбирда АҚШ ҳукумати ва Конгресси вакиллари, дипломатия корпуси, ишбилармон, экспертлар, маданий, илмий-гуманитар доиралар ва ўзбек диаспораси вакиллари ҳозир бўлдилар.

«ЎЗБЕКИСТОН КЎПГИНА МАМЛАКАТЛАРГА НАМУНА БЎЛИШИ МУМКИН»

Давлат котибининг ёрдамчиси Ниша Бисвал республикамизни АҚШ маъмурияти номидан қўллаб-қувватлаб келаётгани баробарида мамлакатимиз билан алоқаларни янада мустаҳкамлашни ўз ташқи сиёсатидаги устуворликлардан бири деб ҳисоблайди.

(Давоми 2-бетда).

Болалар спорти

ЎҒЛИМНИНГ ЮТУҚЛАРИДАН ФАХРЛАНАМАН

Спортни жуда яхши кўрадим. Аммо... Шартшароит, имконият бўлмагани учун фарзандларимга спортчи бўлишга изи бермасдим. Йиллар ўтиб, юртимиз мустақил бўлгач, спортнинг ривожланишига кенг йўл очилди. Айниқса, болалар спортини эътибор мутолақо ўзгарди. Ҳозир ўғлим туманимиздаги 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига эркин курашдан сабоқ олаётган. У эришаётган ютуқлар билан фахрланаман.

Зангиоталик Йўлдош Расулов таъкидлаганидек, истиқлол ушлаган орзулар рўёбини берди. Шу билан бирга, келажак авлод ҳеч кимдан кам бўлмай, камол топишига замин яратди. Бунинг спортни ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор имсолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Утган йиллар давомида янги-янги спорт иншоотлари қад ростлади,

мавжудлари тўлиқ таъмирланди, реконструкция қилинди. Шунингдек, моддий-техник базалари яхшиланиб, зарур спорт анжонлари етказиб берилди. Бу мураббийлар малакаси ошишига, спорт билан шуғулланувчилар кўпайишига ва спортчилар эришаётган ютуқлар янада смикли бўлишига замин яратди.

(Давоми 4-бетда).



Самад Йўлдош.

Эътироф

«ЎЗБЕКИСТОН КЎПГИНА МАМЛАКАТЛАРГА НАМУНА БЎЛИШИ МУМКИН»

Тантанали тадбир чоғида АҚШ ишбилармон ва жамоатчилик доиралари вакиллари мамлакатимиз суверен ривожланиши йиллари давомида қўлга киритган муваффақиятларига ўз баҳоларини бердилар.

Америка – Ўзбекистон савдо палатаси директорлар кенгашининг раиси Кэролин Лэмм барча аъзо компаниялар номидан Ўзбекистон ҳукумати давлат мустақиллигининг 24 йиллиги билан чин дилдан қутлади.

– Кейинги йигирма йил ичида Ўзбекистон иқтисодиётининг кўпгина йўналишларида улкан муваффақиятларга эришган ҳолда жажон бозорларида бекарор вазият сақланиб қолаётганига қарамай ялпи ички маҳсулот йиллик ўсишининг 8 фоиздан зиёд даражасини таъминлашга қодир бўлган кам сонли мамлакатлардан бири бўлиб қолмоқда, – деди у. – Биз республикада олиб борилаётган ислохотлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳамда муҳим тизимли ўзгаришларни, шу жумладан, бозор иқтисодиётига ўтиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва жозибали сармоявий муҳитни яратиш бўйича қўрилаётган жиддий чора-тадбирларни қўлайимиз ва юқори баҳолаймиз.

Жан ду Плейн, "Du Plain Enterprises" компанияси президенти, Халқаро савдо марказининг Жамоатчилик билан алоқалар бўйича дастури директори:

– Ўзбекистоннинг тарихан қисқа давр оралигида қўлга киритган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёти эътиборга моликдир. АҚШ ҳудуди шундай муваффақиятларга бир неча ўн йиллар ичида эришган эди.

Ҳозирги пайтда республика ҳудудида истиқомат қилаётган 130 дан зиёд миллат ва элатлар вакиллари ўртасида тинчлик, барқарорлик ва миллатлараро ҳамжиҳатликнинг таъминлангани Ўзбекистоннинг энг муҳим

муваффақиятларидан бири ҳисобланади. Дунёнинг қатор минтақаларида тартибсизликлар ва бекарорлик сари тамо-йиллар кузатилаётган бир пайтда Ўзбекистоннинг бу йўналишдаги сиёсат диний ва миллий негиздаги турли низо-лар юки елкасига туш-ган кўпгина мамлакатлар учун намуна бўлишга ҳақлидир.

Питер Рудик, Конгресс кутубхонаси ҳузуридаги Ҳуқуқий тадқиқотлар институтининг директори:

– Мустақиллик йиллари давомида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан билан йўлга қўйилган икки томонлама ҳамкорлики Конгресс кутубхонаси юқори баҳолайди. Томонлар кутубхоначилик иши илмий ҳодимлари ва мутахассисларини алма-тириш бўйича қўша дастурларни ҳаётга татбиқ этаётгани баробарида Америка Қўшма Штатлари ҳамда Ўзбекистонда ташкил этилаётган соҳа доир конференциялар ва бошқа тадбирларда

мунтазам равишда ишти-рок этишмоқда.

Куёшли ўлкада қонун ижодкорлигини ривож-лантириш ва ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш маса-лаларига қаратилаётган эътибор бизларни қувон-тиради, чунки Америка академик ва тадқиқотчи-лар доираларида рес-публикадан олинган ҳуқуқшуносликка доир китоб ва материалларга талаб катта. Ҳуқуқий соҳани ривожлантириш республиканинг барча йўналишларида янада гул-лаб-яшнашига хизмат қилади, деб ўйлайман.

Брайан Лопп, "Боинг" компаниясининг халқаро алоқалар бўйича директори:

– Мамлакатингиз, ай-ниқса, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиа-компанияси билан мус-таҳкам ва дўстона алоқа-ларга эга бўлиш биз учун катта шарафдир. Бизлар-нинг ўзаро ҳамкорлики янада кенгайтиришга йўналтирилган саз-ҳара-катларимиз мамлакатин-гиз авиация тармоғини та-комиллаштиришга ҳамда ўзбек ҳаво йўлла-

рининг кадрлар салоҳия-тини мустаҳкамлашга қўмаклашаётганидан жуда фахрланамиз. Шунинг-дек, томонлар самолёт-ларни таъмирлаш бўйича минтақадаги ягона мар-казни барпо этиш юзаси-дан ҳам ўзаро ҳамкорлик қилмоқда.

Биз ҳозирги пайтда дунёнинг энг муҳим мин-тақа ва мамлакатлари-нинг кўпчилигини қамраб олган Ўзбекистон фуқаро авиациясининг шитоб билан ривожланаётгани республиканинг муста-қиллик йиллари давоми-да қўлга киритган асосий муваффақиятларидан би-ридир, деб ҳисоблашга ҳақликимиз. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва "Боинг" компанияси ўр-тасидаги ҳамкорлик Ўзе-бекистон-Америка савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигининг муҳим қисми ҳамдир. Келгуси йилларда икки томонла-ма ҳамкорлигимиз янада чуқурлашишига умид бил-дирамиз. Бу ҳар икки мамлакат халқларининг фаровонлигига хизмат қилади.

"Жаҳон" АА.

Бизнес-форум

"International Hotel Tashkent" меҳмонхонасида Ўзбекистон-Хитой ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Савдо-са-ноат палатаси ва Хитой Халқаро савдо тараққи-тига қўмак бериш кен-гаши ҳамкорлигида та-шқил этилган форум икки мамлакатнинг ман-фаатли алоқалари мус-таҳкамлашишига хизмат қилади.

Форумда икки давлат-нинг савдо-сотиқ, таш-

ИҚТИСОДИЙ ИМКОНиятлар МАМЛАКАТИ

ки иқтисодий алоқалар, нефть-кимё саноати, энергетика, машинасоз-лик, қишлоқ хўжалиги, курил-иш маҳсулотлари ишлаб чи-қариш, сай-ёҳлик каби соҳаларга масъул ва-зирлик, идо-ра ва ком-паниялар ва-киллари иш-тирок этди.

– Ўзбекистонда қулай сармоявий муҳит ва ул-кан иқтисодий имкони-ятлар яратилган, – деди Хитой Халқаро савдо та-раққиётига қўмак бериш кенгаши раиси ўринбо-сари жаноб Луи Тенгчи. – Бу эса Хитой ва мам-лакатингиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик тараққий этишига турт-

ки бўлапти. Истиқбол-ли лойиҳалар асосида ҳамкорлигимиз янада раванқ топишига ишо-наман.

Бугун юртимизда Хи-той Халқ Республикаси инвестицияси ишти-рокида 482 та корхона фа-олият юритапти. Улар-нинг 72 таси тўлиқ ҳам-корлар капиталли асоси-да ташкил этилган.

– Савдо-сотиқ алоқа-ларини янада яхшилаш-ни ният қилганмиз, – деди Qinhao Trading Co. Ltd компанияси менеже-ри Шао Хонг. – Комп-аниямизда табиий мева-лардан тайёрланган шарбат, чой ва мазали лапшалар ишлаб чиқа-рилади. Мақсадимиз шу соҳа ишбилармонлари билан тажриба алма-шиб, савдо-сотиқ муно-сабатларини янада кен-гайтиришдир.

Ирода МАКСУДОВА,
Қобилжон ҒОФУРОВ
олган суратлар.

«IEG UZBEKISTAN» КЎРГАЗМАГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

"IEG Uzbekistan" хал-қаро кўргазма компа-нияси "Ўзэкспомарказ" Миллий кўргазмалар комплекси" акциядорлик жамиятида кўргазма тад-бирлари режасига муво-фик "UzMedExpo – 2015" халқаро тиббий кўргазма ташкил этмоқда.

29 сентябрь – 1 ок-тябрь кунлари "Ўзэксп-марказ"нинг биринчи па-вильонида республика Соғлиқни сақлаш вази-рлиги, Савдо-саноат пала-таси, "Ўзфармсанот" дав-лат акциядорлик концер-ни" давлат акциядорлик компанияси, чет эл фар-мацевтика компаниялари ва ишлаб чиқарувчилари-нинг Ўзбекистондаги ва-килликларини ассоциация-сининг расмий қўллаб-қув-ватлаши асосида ташкил этилаётган кўргазмада тиббий техника восита-лари, дори-дармонлар, сто-матологик ускуналар иш-лаб чиқарувчи компания-лар, шунингдек, турли клиникалар Ўзбекистон



Республикаси ҳамда Мар-казий Осиёнинг турли минтақаларидан ташри-ф буюрадиган мутахассис-ларга ўз маҳсулотлари ва хизматларини таъсия этишлари мумкин.

Павильонга фармацев-тика соҳасидаги янги иш-ланмалар, тиббий асбоб-ускуна ва бошқа матери-аллар, рентгенологик ва тахсис асбоблари намо-йишга қўйилади. Кўргаз-мага ташриф буюрганлар кенг қўламадаги стоматоло-гия асбоб-ускуналари ва ашёлари, тиш қўйиш тех-нологиясига оид энг янги

замонавий воситалар би-лан танишишлари мумкин. Кўргазмада, шунинг-дек, УЗИ аппаратлари, де-зинфекция воситалари, гигиеник буюмлар, бир-мартта ишлатиладиган ус-куналар, рақамли микро-скоп, эндоскоп, тиббий тарози, тиббиёт мебелла-ри ва турли дори-дармон-лар намоиш этилади. Кўргазма очилишидан бир кун аввал, яъни 28 сен-тябрь кун Халқаро бизнес марказининг "Тошкент" за-лида матбуот анжумани ўтказиш режалаштирилган. Ўз мухбиримиз.

САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ

Япония пойтахти Токио шаҳрида 24 сентябрь кун иччилан "JATA Tourism Expo Japan – 2015" халқаро сайёҳлик кўргазмасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти кенг намоиш этилмоқда.

Ушбу кўргазмада мамла-катимизнинг "Ўзбектуризм", "Ўзбекистон ҳаво йўллари", "Буюк Ипак йўли", "Marco Polo Central Asia Travel", "Megatour", "Darvesh Tour Service", "Sheherezade Voyages", "Samarkand Global Star", "Sitora International", "Anur Tour" каби компания ва ташки-лотлари иштирок этмоқда.

Кўргазма доирасида "Ўзбектуризм" миллий компанияси, Ўзбекистон-нинг Япониядаги элчихо-наси, Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ҳамкорлигида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган форум ўтказилиши мўл-жалланган.

"Жаҳон" АА.



Тарбия

ОТА-ОНА УЧУН МУҲИМИ ШУ

Ўғлининг чиқишини кутиб, милиция идорасида ўтирган Собирнинг боши ёрилай даяпти. "Тезроқ чиқса-ю, калтакласам" ҳаёлидан ўтказди. Тўғрида, акалли бир ой ўтган бўлса ҳам майлиди, ахир яқиндагина муштлашиб, шу ерга келганди. Яна

ахвол шу. "Бу сафар яхшилаб таъ-зирини бераман, зора эси кирса? Дўстларимнинг болалари отасининг ёнига кирди, бу эса тайёрига ўрган-ган. Пулни ҳуда-беҳуда ишлатиши майлику-я, бемаъни қиликлари билан одамни шарманда қилади".

Собир уйга келгач, "Мана сен тарбия берган ўғлингнинг ахволи, яқин-да маҳалла-қўй, қўни-қўшни олдида бош кўта-ролмай қоламан, бунинг дастидан" деб ўшқирди хотинига. "Болага ёшли-гиданоқ сиз тарбия бери-шингиз керак эди. Кўча-дан бери келмайсиз, дар-дингиз фақат пул" деб йиғлади Халима.

Орамизда пулга мукка-сидан кетиб, фарзандига чиройли тарбиядан яхшироқ мерос қолдирмайди" дей-илган. Болаларни ўз холига ташлаб, уларнинг тарбиясига лоқайд, кела-жанига бефарқ бўлсақ бу-нинг оқибати ёмонлиги табиийдир. Болани ҳар томонла-ма етук қилиб вояга етқа-зиш, аввало, ота-онанинг бурчидир. Бунда меҳр-шафқат, катталарга ҳур-мат, кичикларни иззат қилиш, ҳалоллик, меҳнат-севарлик, раҳмдиллик каби инсоний фазилатлар-ни сингдириш муҳимдир. Бинобарин, фарзанд илк

тарбияни, ҳаёт ҳақидаги тасаввурни оиладан олади. Демак, катталар ҳар жи-хатдан уларга намуна бўлишлари керак. Бугун ота-оналар фар-занди ичса, ё чекса, гиёҳ-ванд моддалар истеъмол қилиб, ўғирликка қўл урса, "айбдорни" излаша-ди. Аслида эса, бунга уларнинг ўзларига айб-дор.

Зеро, Ҳадиси шарифда: "Ота ўз фарзандига чиройли тарбиядан яхшироқ мерос қолдирмайди" дей-илган. Болаларни ўз холига ташлаб, уларнинг тарбиясига лоқайд, кела-жанига бефарқ бўлсақ бу-нинг оқибати ёмонлиги табиийдир.

Одатда, оналар ўз бо-лаларининг хато ва кам-чиликларини отасидан яширишга ҳаракат қилади-лар. Хатоларни, қўл урган майда-чуйда жиноятлари-ни отасига вақтида айт-майдилар. Натижада, бола танбех олмаганидан кейин бора-бора каттароқ жино-

ятларни ҳам кўркмасдан қилаверади.

Дарҳақиқат, бугун фар-зандлари тарбиясига безъ-тибор ота-оналар бир кун келиб жабрини тортишля-ри мумкин. Мамлакатим-изда ёшларнинг ҳеч ким-дан кам бўлмай, вояга етишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шундай экан, уларни ёшлигиданоқ илму маъри-фатга йўналтирайлик, токи, халқи ва Ватани учун манфаат келтирадиган ин-сонлар бўлиб етишсинлар. Ота-оналар фарзандлар-ни кўча-қўйда беҳуда тен-тираб, бўлмағур, ноҳўя хатти-ҳаракатлар қилишдан сақлаб, ғўзал хулқ эгаси бўлишга ундашин.

Ўз фарзандига тўғри тарбия бера олмаган ота-оналар Маъмурий жавоб-гарлик кодексининг 47-моддасига биноан жари-мага тортилади.

Умид ЖАЛИЛОВ,
Зангиота тумани
5-давлат нотариал
идораси нотариуси.

Ватан останада бошланади, деймиз. Остана – оиланинг дебочаси. Оила эса Ватан ичигади Ватан. Бугунги Ўзбек оилаларида муҳит қандай? Маъ-лум бўлишича, ота-оналар бола тарбиясига жуда кам вақт ажратишади. Улар бўш вақтларини асосан те-левизор кўриш, уй юмушлари ва томорқа ишлари, дам олиш, тўй-маърака, гап-гаштак, меҳмондорчи-лик билан ўтказишади. Болалар оилада, маҳалла-ларда кўпича ёлғизлик гирдобидида қолиб, оқибатда вақтларини мақсадсиз ўтказишлари аянчи ҳолдир.

БОЛАНING ИЧКИ ДУНЁСИ ОИЛАДА ШАКЛЛАНАДИ

Бола оилада меҳр-оқибат ва ҳурматни ўрганади, қийин вазиятларда ота-она болага таянч бўлади. Шу орқали улар бола онгида нима ях-шию нима ёмонлиги ҳақида бирламчи тасаввурни шакл-лантиради. Кўп ҳолларда ота-оналар бола руҳиятига мос келмайдиган тарбия усу-лини қўллаши унинг қоби-ляти ва имкониятини чек-лаб қўяди. Керагидан ортиқ ноўрин танбех ва талаблар боланинг оиладан узоқла-шишига сабаб бўлади.

Шундай экан, бола онги ва руҳиятига гоёвий барқа-рорликини сингдириш, шу-нингдек, интилишларини четлаб ўтмаслигимиз зарур. Ота-онанинг хатти-ҳарака-тини кузатиб турган ҳар бир фарзанд уларнинг хулқини намуна деб билади. Бош-қача айтганда, оиладаги ўзаро муносабат қанчалик мустаҳкам ва намунали бўлса, бола уни шунча тез ва самарали ўзлаштиради.

Бола тарбиясида яна бир муҳим жиҳат шуки, у туғил-масидан олдин, аникроқ

қилиб айтганда, ҳомилдор-лик вақтидаёқ бўлажак она ҳомилага салбий таъсир кўрсатувчи ноўрин хатти-ҳаракатлардан тийилиши лозим. Мутафаккир Абдура-уф Фитрат айтгандек, "Ҳар бир бола гўдаклигидан она-сининг тарбиясига маҳкум, бинобарин, биз дастлабки тарбияни ўз онамиздан ола-миз. Шу сабабли оналари-миз билими бўлишлари".

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, ота-оналардан ҳамма вақт маънавий бурч-ларини тўғри англаш, оилавий муносабатлар доирасида, Европача одат ва қадриятларга, чет эл аъналарига тақлид қил-май, ўзимизнинг ўзбекона, миллий урф-одат ва аъна-ларимизни қўллаш, бо-лани меҳр-муҳаббатли, шу билан бирга, мустақил фикрлайдиган қилиб тар-биялаш талаб этилади.

Машхура ХОШИМОВА,
Ўрта Чирчиқ туманидаги
2-давлат нотариал
идораси нотариуси.

Пахта – 2015

ИЛҒОРЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Бутун республикада бўлгани-дек, Тошкент вилояти далалари-да ҳам пахта йигим-термини киз-гин паллага кирди. Пахта етиш-

тирувчи барча фермер хўжалик-лари аъзолари ва маҳаллий аҳоли вакиллари теримда фаол иштирок этмоқдалар.



Хар йилгидек, йигим-терим иштирокчилари юксак унум билан иш-лашлари учун керакли шарт-шароитлар яратил-ган. Кунлик терим суръ-ати бирдек юқори бўлиши учун масъумга жалб этил-ган ишчи қўларини транс-порт воситаларига май-ший-техник хизмат кўр-сатиш чора-тадбирлари бевоқифа пахтазорларга қўйрилган.

Бундан ташқари, те-римда илғорлик қилаёт-ган, кундалик пахта хир-монларига барака кири-тиб, бошқаларга ўрнак кўрсатаётган чевар те-римчилар моддий ва маъ-навий рағбатлантирил-моқда. Шунингдек, тери-лаётган пахтанинг ҳақи вақтида тўланаётгани ҳам

далалардаги ҳосилни ёғин-сочин кунларга қол-дирмай, тезроқ йиғиб-териб олишга барчани руҳлантирмоқда.

Жумладан, Олий Мах-лис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзЛиДеПнинг Олий Мажлисдаги фрак-цияси аъзоси Виктор Пак бошчилигидаги бир гуруҳ депутатлар вилоят пахта-зорларида бўлиб, йигим-терим ишларининг бори-ши билан танишиб, қуни-га 150 килограммдан ошириб пахта тараётган илғорларни моддий ва маънавий рағбатланти-риб, терим суръатини оширишга амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Улар Ўрта Чирчиқ туманидаги ўнга яқин фермер хўжа-ликлари далаларида

бўлиб, илғор теримчи-ларни ЎзЛиДеПнинг фах-рий ёрлиқ ва эсдалик совгалари билан рағбат-лантирдилар.

– Ушбу учрашувлар жа-раёнида гуруҳимиз аъзо-лари пахта хом ашёси-нинг Ватанимиз иқтисо-диётида тутган ўрни, қишлоқ ахлининг муҳим даромад манбаи экани ҳақида сўз юритиб, те-рим суръатини янада оширишга ҳисса қўшиш-га ҳаракат қилмоқдалар, – дейди Виктор Пак. – Зеро, даладардаги мўл ҳосил қанчалик тез ва соз йиғиб-териб олишса, но-будчилик шунча камаёди ҳамда тола сифати оши-б, даромад ҳам салмокли бўлади.

Ўз мухбиримиз.

Эгрилик ҳамиша панд беради

КИЛИФИ ҚИММАТГА ТУШДИ

Хато – салбий тушунча бўлсада, ин-сонга хос хусусият дейишди. Ҳам-мамиз ҳам ҳаётнинг ўқир-қўқир, паст-баланд йўлларида билиб-бил-май, хатога йўл қўямиз. Ҳаётимиз да-вомида уни такрорламаслик учун одатда биргина сабаб етарли бўла-ди. Аммо, шунчаки одам қиёфасида-ги, аслида эса инсонийликдан мосу-

ёшли эллики қоралагунча, бир неча бор судланганга улгурган Ф. Раҳматов эллик-дан ўтиб ҳам тўғри йўлни топа олмади. Ёш топиб, ақл топа-маган деғанларни шу бўлса керакда, қамок ҳаётини кўрган, сўнгги суднинг қаро-ри билан ахлоқ тузатиш иш-лари жазосини ўтаётгани,

волар ҳам борки, уларга сабоқ у ёқда турсин, қамок жазоси ҳам ёрдам бер-майди. Бундайларга нисбатан халқи-мизнинг: "Букрини гўр тўғирлайди" деган пурмаёно нақли бор. Бу нақл Фарход Раҳматов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) сингари қора қурси-нинг доимий "шайдо"ларига нисбатан айтилган шубҳасиз.

Ёши эллики қоралагунча, бир неча бор судланганга улгурган Ф. Раҳматов эллик-дан ўтиб ҳам тўғри йўлни топа олмади. Ёш топиб, ақл топа-маган деғанларни шу бўлса керакда, қамок ҳаётини кўрган, сўнгги суднинг қаро-ри билан ахлоқ тузатиш иш-лари жазосини ўтаётгани,

"муҳтож"ларга белгиланган бадал эвазига "мурувват" кўрсатиб келган. Чунончи, жиноят фож этилган кун Ф. Раҳматовнинг уйини Х. Жонизов ҳамда Н. Хуш-боқова ижарага олишган ва ижарачига бунинг эвазига 20 минг сўм беришган.

Жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди-нинг очик суд мажлисида мазкур жиноят билан боғ-лиқ иш кўриб чиқилди. Суд-да гарчи Ф. Раҳматов ўзига нисбатан қўйилган айбга умуман иқдор бўлмасида, 20 минг сўм миқдоридидаги ашё-вий далил, Х. Жонизо-

ковнинг "Н. Хушбоқова би-лан Ф. Раҳматовнинг уйига келгани ва уй эгасига 20 минг сўм ижара ҳақи бер-гани" тўғрисидаги кўр-сатмаси ва бошқа гувоҳ-лarning шу мазмундаги қўрсатмалари ҳамда бошқа тўпланган ашёвий далил-лар асосида, жиноят ўз та-сдиғини топди.

Суд Ф. Раҳматовга нис-батан икки йил олти ой му-ддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Мираббос НОЁБЖОНОВ,
Шайхонтоҳур туман
прокуратураси
иш ўрганувчиси.

Болалар спорти

Ўғлимнинг ютуқларидан фахрланаман

Бир сўз билан айтганда, спортни ривожлантириш ва шу орқали баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу мақсад яхши натижа берапти. Бугун спорт кўплаб оила-ларга кириб бориб, турмуш тарзига айланди. Фарзандларини спорт тўғрисида етаклаб бораётган ота-оналар кун сайин кўпаймоқда.

– Эркин кураш билан шуғулланишимга дадам сабабчи бўлди, – дейди Зангиота туманидаги 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби аъзоси Зокир Мансуров. – Уларнинг сай-ҳаракатлари, қолаверса, Юрбошимиз ташаббуси билан биз, ёшларга яратилган шарт-шароит туфайли нафақат республикамизда, балки халқаро мусобақаларда иштирок этиш бахтига муяссар бўлдим.

Ҳақиқатан ҳам, Зокир ўз ютуқлари билан мактанса арзийди. У 2009-2010 йилларда ёшлар ўртасида Осиё, 2011 йилда Ўзбекистон

(Давоми. Боши 1-бетда).



бўлиш насиб этди. Эндиликда, у ноябрь ойида бўладиган Ўзбекистон кубоги мусобақаларига қизгин тайёргарлик кўраяпти.

Спорт мактаби 2014 йил

да тўлиқ таъмирланиб, барча шароитлар муҳайё қилинди. Эркин кураш, юнон-рум кураши, дзюдо, бокс, шахмат, сузиш каби 8 та спорт тўғрисидаги ишлар турибди. Уларда жами 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган 872 ўғил-қиз мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг 70 дан ортиги қизлардир. Спортсменларга 20 га яқин мураббий спорт сирларини ўргатмоқда. Ушбу мактаб нафақат республика, балки халқаро турнирларга ҳам мезбонлик

қилишга улғурди. Шунингдек, вилоятимизнинг 10 дан ортиқ мусобақалари шу ерда бўлиб ўтган.

Спорт билан шуғулланиш учун барча қўлайликлар муҳайё қилинган мактабда янги сузиш хавзаси ҳам барпо этилди. Хавзанинг узунлиги 25, эни эса 11 метр. Бу ерда 120 нафар бола сузиш билан машғул. Қувонарлиси, уларнинг 60 зиди қизлардир.

– Сузиш жараёнида инсоннинг барча аъзолари ҳаракатда бўлади, – дейди



ВАЗИР ИСТЕҒО БЕРДИ

Япониянинг таълим, маданият, спорт, фан ва технология вазирини Хакубун Симомура истеғо беришга қарор қилди.

Гап шундаки, 2020 йилда Токиода бўлиб ўтадиган олимпиада ўйинлари учун махсус қурилатган ўйингоҳда муаммолар чиқди. Шу муносабат билан япониялик архитектор ва баъзи амалдорлар ўйингоҳнинг дастлабки лойиҳаси қиймати жуда баланд бўлгани учун унга қарши чиққанларидан сўнг жан-

жал кўтарилди. Қурилиш ишлари бошланганидан сўнг қилинган ҳисоб-китобларга қараганда, ушбу ўйингоҳ 2 миллиард доллардан ортиқ маълум бўлди. Бош вазир Синзо Абэ маъмурияти дастлабки лойиҳадан воз кечиб, қурилиш бўйича янги режа тузишга мажбур бўлди.

АВТОКОНЦЕРНЛАР БИЛАН ЖАНЖАЛ

Атмосферага зарарли моддалар чиқариш микдори билан боғлиқ ҳийла-найранглار муносабати билан Volkswagen автоконцернига қарши бошланган жанжал Германиянинг бошқа автомобил ишлаб чиқарувчи концерни – BMWга ҳам "юқиши" мумкин.

Ушбу ахборот тарқатилганидан сўнг BMWнинг акциялари қиймати Франкфурт фон д биржасида 7 фоизга пасайиб кетди. Volkswagen концернининг маълум қилишича, унинг бутун дунё бўйлаб сотилган 11 миллионга автомобил носо дастур билан таъминланган бўлиши мумкин. АҚШнинг атроф-муҳит-

ни муҳофаза қилиш бошқармаси шу сабабли концерн зиммасига 2009-2015 йилларда штатларда сотилган 482 мингга Volkswagen ва Audi енгил автомобилларини қайтариб олиш мажбуриятини юклади. Шу муносабат билан Volkswagen раҳбари Мартин Винтеркорн истеғога чиқишни маълум қилди.

АЭРОПОРТ ТЎЛИҚ ИШЛАМАЯПТИ

Грециянинг Родос оролидаги "Диалогорас" аэропорти 22 сентябрда кучли ёмғир туфайли юз берган мажбурий тўхташдан сўнг қайта ишлаб бошлад.

Бироқ, парвозлар тартиби чекланган. Афина англияликлар агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, кучли ёмғир аэропортнинг учиш-қўниш йўлакларига жиддий зарар етказган. Хусусан, ҳосил бўлган ўнқир-чуқур ҳамда қўлмақлар самолёт рулини бошқаришни қийинлаштирган. Шу боис аэропортни бутунлай ёпиб қўймаслик учун 3300 метрдан иборат йўлақлар узун-

лиги 1800 метрга қисқартирилди. Шу муносабат билан мамлакат граждани авиацияси хизмати вақтинча фақат узок масофаларга парвоз белгиланган рейсларига рухсат этилишини эълон қилди. Оралик вақтда эса аэропортнинг техник хизмати ходимлари учиш-қўниш йўлакларини тартибга келтиришмоқчи.

ЯПОНИЯЛИК ҚАРИЯНИНГ РЕКОРДИ

Кунчиқар юртлик 105 ёшли қария 100 метр масофани 42,2 сонияда югуриб ўтиб, янги рекорд ўрнатди.

Ушбу вақт қария ёшидаги кексалар мусобақасида энг тез натижа сифатида эътироф этилди. Қисқа масофага "тез югурувчи" Хидеки Миязакининг ўзи ўрнатган рекорддан кўнгли бироз тўлмиди. У мусобақа олдида масофани кўпи билан 35 сонияда босиб ўтсам керак деб тахмин қилган. Бироқ, у югуриш бошланганида бир неча сонияни бой бериб қўйди. Сабаби – югуришни бошлашга рухсат берувчи ҳуштакни эшитмай қолибди.

Дарвоқе, кекса югурувчи ушбу мусобақадан сўнг олти карра олимпиада чемпиони Усэйн Болт шарофига "Олтин Болт" лақабиغا эга бўлди. Миязаки финиш чизигини босиб ўтгач, уша машхур спортчининг "голибона тури-

ши"га тақлид қилгани учун унга шундай лақаб беришган бўлишга ажаб эмас. Зеро, Усэйн Болт 100 метр масофани 9,58 сонияда босиб ўтиб, жаҳон рекордини ўрнатганида, бутун ўйингоҳдаги томошабинлар кўз олдида шундай "голибона туриш"ни намойиш этганди. Гиннес рекордлар китоби вакиллари "Олтин Болт"га мусобақа якунига кўра, тегишли сертификатни топширишди. Шу билан бир вақтда тиббий кўрикдан ўтказилганда, 105 ёшли чемпионнинг мушлак соғсаломат эканини маълум бўлди. Унинг ёшлари ҳисобга олган врачлар хайратдан ёқа ушлашди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Маданият

ИЖОДКОР ПЕДАГОГЛАР ТУҲФАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишлаб бадий кўргазма ташкил этилди. Унда ижодкор педагоглар – Александр ва Галина Ли ҳамда уларнинг оила аъзолари асарлари намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадий академияси раиси А. Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида юртимизда миллати, тили, диний эътиқодидан қатъи назар, барча фудқароларнинг эркин меҳнат қилиши, ўз ижодий-интеллектуал салоҳиятини намоён этиши учун барча зарур шароит яратилганини таъкидлади.

Бу йўналишдаги эзгу сай-ҳаракатлар тасвирий санъат соҳасида фаолият кўрсатаётган ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, "устоз-шоғирд" аънавларини янада ривожлантиришда ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Бугунги кунда кексалик гаштини сураётган Александр ва Галина Ли узок йиллар мобайнида Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Республика рассомлик коллежиди тасвирий санъатдан ёшлар-

га сабоқ берган. А. Ли ижодда табиатга меҳр ва эҳтиром устувор бўлса, унинг турмуш ўртоғи асосан болалар учун мўлжалланган асарларга, эртакларга суратлар ишлайди. Қизлари Татьяна пойтхатимизнинг Яқсарой туманидаги 18-болалар мусика ва санъат мактабиди, Мария эса Миллий рассомлик ва дизайн институтида ўқитувчи бўлиб ишлаши билан бирга, ранг-тасвирчи, график мусаввир сифатида ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Кўргазмадан ўрин олган юздан ортиқ асарда ижодкор ўқитувчилар сулоласи вакиллари китобларга иллюстрациялари, ранг-тасвир асарларидан намуналар томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. Уларда Ватанга, ҳаётга, оилага кексиз меҳр-муҳаббат, шукроналик, шу азиз диёрдан фохрланиш туйғуси акс этган.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Такдимот

«БАЛЛИ, КАМОЛИДДИН!»

Алишер Навоий номидаги киносаройида "Ўзбекистон" миллий агентлиги буюртмаси асосида суратга олинган "Балли, Камолитдин" бадий фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

Президентимиз раҳнамолигида миллий кинематография соҳасини ривожлантириш, халқимиз, айниқса, ёш авлодни эзгу ғазилатлар руҳида камол топтиришга хизмат қиладиган юксак савияли экран асарларини яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу фильмда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа вакиллари кўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар самаралари ёш тадбиркор фаолияти мисолида акс этирилган.

Фильмнинг асосий воқеалари қишлоқда кечди. Аввал бир оила бўлиб яшаган ака-укалар – Фазлиддин ва Камолитдин кейинчалик алоҳида истикомат қилишади. Фазлиддин қишлоқда боғдорчилик билан рўзгор тебратиди, Камолитдин эса шаҳарга кетади ва у ерда чет эл компаниялари билан ҳамкорлик қилувчи фирмага ишга қиради. Акаси боғ яратиш учун борини тиканини билган Камолитдин

боғдорчиликнинг сердармадор тури билан шуғулланиши, бу йўлда акасига ўз бизнес лойиҳалари билан қўмлаштириш масалаҳат беради. Аммо қўтилмаганда Фазлиддин автохалокатга учрайди ва ҳаётдан кўз юмади.

Камолитдин акаси яратган боғни янада гуркиратиб, унинг орузсини рўёбга чиқаришга, бу ишга чет эллик ҳамкорларни ҳам жалб этишга қарор қилди. Оддий боғдорчиликдан бошланган иш истиқболли бизнес даражасига қада қўйилди. Фильм ҳақрамони тадбиркорларга қаратилган эътибор туфайли ўз қишлоғида орузларини амалга оширишга муваффақ бўлади.

Сценарий муаллифи – Жасур Зиёхонов, постановкачи режиссёр – Элёр Хошимов. Бош ролларни Миломир Қиличев, Тolib Мўминов, Бехзод Мухаммадқаримов, Шаҳзода Матчонова, Рустам Қаримов каби актёрлар ижро этган.

Ш. МАМАТУРОВА,
ЎЗА мухбири.

Санъатсевар халқимизнинг заҳматкаш фарзандлари, ўз касбининг фидойилари кўп. Уларнинг умр йўли, ҳаёт китоби ҳар бир ёш ўғил-қиз учун ибрат мактабидир. Шундайлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, халқ таълими аълочиси Азим Азизов бўлади.

– У умрининг 50 йилини ўзбек халқ рақс санъати, умуман, халқ ижодиётини кенг тарғиб қилиш ва ривожлантиришга бахшида этган моҳир ташкилотчи, жонқуяр устозларимиздан биридир, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Кундуз Мирқаримова. – 16 ёшидаёқ ажайиб рақслари билан ўзбек санъати даргалари Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Учқун Ганиев каби санъаткорлар назарига тушган Азимжон уларнинг тақлифи билан Андижондан Тошкентга келганига ҳам ярим асрдан ошибди...

Азим Азизов ўша пайтлардаги маданий-оқартув техникуми (ҳозирги маданият коллежи)ни тугатгач, Мухиддин Қориевнинг номидаги Ўзбек Давлат филармониясида иш бошлади. Ўзбек рақс санъатига бўлган меҳри, суҳандонлиги, ташкилотчилик қобилияти устозларга маъқул келиб, А. Азизовга тез орада маданият уйи директорлиги ишончи топширилди.

У ташкил этган "Баёт" номи янги ашула ва рақс ансамбли студиясига биринчи бўлиб "Халқ ансамбли" унвони берилди. "Баёт" эришган муваффақиятлар ёш раҳбарни руҳ-

САҲНАДА ЭЛЛИК ЙИЛ

лантириб, Самарқандда "Чўли ирок", Навоийнинг Кармана қишлоғида "Гули", Қашқадарёда "Китоб гуллари", Жиззахда "Дўстлик чамани", Тошкентдаги Республика ўқувчилар саройида "Чаман" болалар фольклор-рақс дасталарини ташкил этишда бошқош бўлди. "Баёт" ансамбли билан дунёнинг турли мамлакатларига ижодий сафарлари давомида



ўзбек халқи санъатига қатъи қизиқишининг гувоҳи бўлди. Бунинг учун у бетакор ўзбек рақс санъатини ўргатган Мукаррама Турғунбоева, Исхор Оқилон, Кундуз Мирқаримова, Рихсавий Вахобов, Абдуқаҳҳор Султонов каби устозларидан бир умрга миннатдор.

– Мустиқиллик туфайли миллий-маънавий қадриятларимизга эътибор кучайди, – дейди у. – Миллий куй, қўшиқ ва рақсларимизни намойиш этаётган ансамблимиз билан дунёнинг кўпгина мамлакатлари – Италия, Коста Рика, Польша, Руминия, Хиндистон, Франция, АҚШ, Голландия, Нидерландия, Туркия ша-

ҳарларига бориш, фестивалларда иштирок этиш насиб этди...

1993 йилда у раҳбарлик қилаётган "Чаман" дастасига "Намунали болалар халқ ансамбли" номи берилди. Эътиборлиси, А. Азизов ўзи ташкил этган ансамбль ва бадий жамоаларга сценарийлар ёзар, натижада шу сценарийлар асосида саҳналаштирилган турли

фахрланаман. Унинг фидойи, жонқуярлиги туфайли шоғирдлари ҳам моҳир санъаткор сифатида меҳр қозонмоқда. У қўл остидаги барча хаваскор иштирокчиларга ҳар бир мусиқани маромига етказиб қилишни, қўшиқни юракдан қуйлаш, рақсини бутун вужуд билан ижро этиш кераклигини эринмай, синчковлик билан ўргатади...

Жаҳон халқлари рақслари ижросини Маҳмуд Эсамбоевдан қолишмай, диган моҳир раққос Азим Азизовнинг "Чаққон йигит", "Помирча уйин", "Минг чарх", "Тинчликни сақланг", "Шўх ўғлон", "Мақумба", "Хиндча Бҳарат натям" каби турли халқлар рақслари минглаб томошабинларга манзуур бўлган. Мустиқиллигимизнинг илк йилларидаёқ санъаткорнинг бу хизматлари муносиб баҳоланди. Президентимиз Фармони билан унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони берилди.

Хуллас, ярим асрдан буюн саҳнада яшаб, Ўзбекистон халқ бадий хаваскорлиги ижодиётини 33 дан ортиқ хорижий давлатларда кенг намойиш этиб келётган кекса санъаткор ҳамон изланишда. Ҳозир у Зангиота туманидаги "Бунёдкор" маҳалласи клубида "Умид" фольклор рақс студияси фаолиятига бошқош. Бундай хайрли амалларни энди отахоннинг шоғирдлари ҳам давом эттиратгани қувонарли.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Биласизми?



Дунёдаги энг тезюрар автомобиль

АҚШнинг «Shelby Super Cars» компанияси дунёдаги энг юқори тезликка эга автомобилни ишлаб чиқармоқчи. Компания максимал тезлиги 450 км/с тенг бўлган суперкарларни чиқаради.

Энг узун кўприклар

Дунёдаги энг узун осма кўприк Япониядаги 1998 йилда очилган Акаси-Кайкё кўпригидир. Унинг умумий узунлиги 3911 метрни ташкил этади. Таққослаш учун: Сан-Францискодаги энг машхур Олтин дарвоза осма кўпригининг узунлиги 2740 метрни ташкил этади.

Совуқбардош дарахт

Биласизми, ҳаммамизга маълум бир дарахт ўта паст ҳароратга дош бера олади. Энг кенг тарқалган қарағай "совуққа энг чидамаи дарахт" сифатида Гиннес-

нинг рекордлар китобига киритилган. Шимолаги қарағайлар – 65 даражача совуқ ҳароратга чидайди деб ҳисобланади.

Рассом хандаси



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир

Убайдулла

АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар

кўчаси, 32.

Электрон почта:

thaiqiqat@mail.ru

Қабулхона:

Бўлим муҳаррирлари ва

мухбирлар:

Шарнома ва эълонлар:

Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-64-95, 233-55-39,

233-58-85 (факс).

233-38-23, 233-48-08.

233-56-03, 233-65-59.

233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Сайёра РИХСИЕВА

Навбатчи

Нозима АРСЛОНОВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

Хафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма S-4004

Адади 8089.

Баҳоси қилинган нархда

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қорғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.